
Қува туманида ифторлик тадбирлари давом этмоқда

Қува туманида ифторлик тадбирлари давом этмоқда

Моҳи Рамазон меҳр-оқибат ва хайр-саҳоват ойи ҳисобланади. Бундай муборак кунларда инсонлар маънан ва руҳан покланадилар. Ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлар кўпроқ намоён бўлади. Айниқса маҳаллаларда кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож, якка ёлғизлар ҳолидан хабар олинади.

Аввал хабар берганимиздек туманимизнинг барча ҳудудларида шу муборак кунларда эҳтиёжманд оилаларга меҳр-оқибат кўрсатилиб, ифторлик тадбирлар давом этмоқда.

Ана шундай саҳоват тадбирлари бугун 1-сектор ҳудудидаги Гулистон маҳалла гузарида, 2-сектор ҳудудидаги Каттақишлоқ маҳалласида, 3-сектор ҳудудидаги Ўрабоши маҳалла гузари ҳамда 4-сектор ҳудудидаги Хонабод маҳалласи гузарларида ташкил этилди.

Ташкил этилган ифторлик тадбирларида маҳалла фаоллари, кам таъминланган оила вакиллари иштирок этди. Йиғилганлар дастурхонга тортилган ноз-неъматлардан танаввул қилишиб, тинч ва осойишта юртимизга шукрона келтиришиб, дуо-фотиҳалар қилишди.

Шу куни ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, якка ёлғизлар ҳолидан хабар олиниб, озиқ овқат маҳсулотлари тарқатилди.

2023-03-29 21:01:07